

«Жума Элеватори» АЖнинг  
2019 йил 29 ноябр куни  
кузатув кенгашининг



**«ЖУМА ЭЛЕВАТОРИ» АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ  
2020 ЙИЛ УЧУН ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**БИЗНЕС РЕЖАСИ**

2019 йил

Жума шахри

# **МУНДАРИЖА**

## **I БУЛИМ**

- 1.1. Корхонанинг умумий паспорт маълумотлари;
- 1.2. Корхона тўғрисида умумий маълумот;
- 1.3. Жамиятнинг ижро этувчи органи аъзолари рўйхати;
- 1.4. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг руйхати;
- 1.5. Жамиятни тафтиш комиссия аъзоларининг руйхати;
- 1.6. Корхонанинг 3-йиллик иқтисодий кўрсаткичлари;
- 1.7. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иқтисоси;
- 1.8. Асосий технологик жараён;
- 1.9. Маркетинг.

## **II БУЛИМ**

- 2.1. Корхонанинг 2020 йилдаги асосий вазифалари;
- 2.2. Корхонанинг 2020 йил давомида режалаштирилган даромадлари тўғрисида;
- 2.3. Корхонанинг 2020 йил давомида режалаштирилган харажатлари тўғрисида;
- 2.4. Корхонанинг 2020 йилда ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисида.

## I. БУЛИМ

### 1.1 КОРХОНАНИНГ УМУМИЙ ПАСПОРТИ МАЪЛУМОТЛАРИ

«Жума Элеватори» акциядорлик жамияти

Қискартирилган номи:	«Жума Элеватори» АЖ
Мулкчилик шакли:	акциядорлик жамияти
Ҳуқуқий манзили:	Ўзбекистон Республикаси

Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Жума шаҳар Фитрат кўчаси № 2 уй  
Телефонлар: **46-5-15-27**, факс. 8366-465-15-27 e-mail:juma,

Банк реквизитлари:	
Ҳисоб рақами:	20208000700193796001
МФО:	00273
ИНН:	202018683
ОКНХ	81100
«Агробанк » Жума филиали	

**Мулкнинг тақсимоти:** Корхонанинг Низом жамгармаси 826814000 сум миқдорида ва ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1975 сум бўлган 418640 дона акциядан иборат.

Низом жамгармаси улушлар бўйича қуйидагича тақсимланади.

- «Уздонмахсулот» АК (кампания устав фондига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган давлат улуши) 63.89 фоиз, 528265200 (Беш юз ун миллион етти юз еттиз саккиз минг олти юз) сумлик 267476 (бир юз эллик етти минг уч юз уттиз олти) дона эгасини номи езилган оддий акция;
- Бошка акциядорлар улуши 36,11 фоиз 298548900 (икки юз туксон саккиз миллион беш юз қирк саккиз минг туқиз юз) сумлик 151164 (бир юз эллик бир минг бир юз олтмиш тўрт) дона эгасининг номи езилган оддий акция
  - Корхона фаолиятини узининг Низоми бўйича амалга оширади, корхонанинг фаолият курсатиш муддати чекланмаган.

### 1.2 КОРХОНА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

«Жума Элеватори»ни қўрилиши 1975 йилда тугатилиб, 1977 йилда ишга тушган. Умумий ер майдони 8,34 г. Элеваторни дон сақлаш сифими ҳажми 113 минг тонна, бундан ташқари корхонада 5 та маҳсулот сақлаш омбори мавжуд. Ҳар бирининг қуввати 3 минг тоннадан 21 минг тонна, электромеханик цехи, маъмурият биноси, ошхона, суткасига 50 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмон бинолари, омукта ем ишлаб чиқариш цехи мавжуд. Жамият таркибида «Пастдаргом Биолаборатория» МЧЖ ва «Зарфшон иссик нонлари» МЧЖ ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш қўмитаси Самарқанд вилояти буйича ҳудудий бошқармасининг 1995 йилда 12-июн № 530-11-сонли буйруғига асосан «Жума Элеватори» акциядорлик жамияти деб номланган. «Жума Элеватори» АЖ нинг 1995 йил 31-мартда бўлиб ўтган умумий йиғилиш қарорига асосан таъсис этилган.

Жамиятни акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

Жамият ҳар йили камида бир марта акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиши.

Жамиятни ижро этувчи органи ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

### **Жамият мулки. Устав фонди.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг буйруғига асосан «JUMA ELEVATORI» акциядорлик жамиятининг низом жамгармасини, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иктисодиёт реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 декабрдаги 316-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғини бажарилишини таъминлаш мақсадида жамиятнинг устав жамгармаси миқдорини эквиваленти камида 1000 минг АКШ долларига тенг суммага етказиш қайд этилиб, жамият акциялари номинал кийматини 1975 сўмга етказиш ҳисобидан жамиятни Устав

фондининг миқдори 826 814 000 сўмни ташкил этиб, 418640 дона овоз берувчи акция сонидан иборат бўлиб, таъсисчилар улушига мутаносиб равишда тақсимланган.

**Низом жамгармаси улушлар буйича қўйидагича тақсимланади:**

«Ўздонмахсулот» АКнинг улуши 528265200 сумлик 267476 дона акциялар низом жамгармасининг 63.89 фоизи

Бошка акциядорлар улуши 36.11 298562535.4 минг ёки 151164 дона акция.

Корхона фаолиятини ўзининг Низоми бўйича амалга оширади, корхонанинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

### 1.3 ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИНИНГ РУЙХАТИ

№	Фамилияси ва исми шарифи	Иш лавозими	Акция сони (дона)	Киймати (минг сум)	Низом жамгармага нисбатан %
1	Ш.Пулатов	Бошқарув раиси	0	0	0
2	К.Сидиков	Молия ва савдо директори	0	0	0
3	М.Ачилов	Ишлаб чиқариш директори	0	0	0
4	Р.Олмасов	Бош ҳисобчи	0	0	0
5	Б.Буранов	Иқтисодчи	0	0	0

Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун билан фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

### 1.4 ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ РУЙХАТИ

№	Фамилияси ва исми шарифи	Иш лавозими	акция сони, дона	Киймати (минг сум)	Низом жамгармасига нисбатан%
1	А.Ахроров	«Ўздонмахсулот» АК вакили	267476	528265,2	63.89%
2	Б.Хасанов	«Ўздонмахсулот» АК вакили			
3	Ш.Исломов	«Ўздонмахсулот» АК вакили			
4	А.Эгамкулов	«Ўздонмахсулот» АК вакили			
5	Г.Мавлонов	«Ўздонмахсулот» АК вакили			
6	Р.Абдуллаев	Нафақада			

7	Ф. Эшқобилов	Файкон АЖ	31164	61548.9	7.44%
---	--------------	-----------	-------	---------	-------

Жамиятни тафтиш комиссияси аъзолари жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият низомига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади.

### 1.5 ЖАМИЯТНИ ТАФТИШ КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ РУЙХАТИ

№	Фамилияси ва исми шарифи	Иш лавозими	Акция сони, дона	Киймати (минг сум)	Низом жамгармасига нисбат %
1	М.Курбонов	Нафакахур	448	884.8	0,10%
2	И.Мустофоев	Колеж амалиёт рахбари	1216	2222,8	0,29%
3	Ш.Акбаралиев	“Файкон” АЖ вакили	31164	61548.9	7.44%

«Жума Элеватори» АЖ асосан тайёрлов ташкилоти бўлганлиги сабабли Пастдаргом туман фермер хўжаликлари контракция шартномаси асосида дон маҳсулотларини, вилоят дон маҳсулотлари корхоналаридаги очик майдонлардан ғаллаларни ва вилоят дон маҳсулотлари корхоналаридан келтирилган ун, гуруч, омукта ем маҳсулотларини қабул қилиш, уларни сақлаш ва юқори ташкилотларни тақсимомага асосан ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома ва буюртмалар буйича сотишдан иборат. Сотиладиган дон маҳсулотига белгиланган 3 фоиз, ун маҳсулотларини биржа орқали улгуржи нархларда сотилганда тан нарх билан сотиш ўртасидаги фарқ сумма корхона фойдаси ҳисобланади.

Бундан ташқари жамиятда Давлат дон захирасидаги ва суғурта фондидаги ғалла сақланади. Жамиятда суткасига 50 тонна бугдойни қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тегирмон мавжуд ва ун ишлаб чиқарилмоқда. Суткасига 50 тонна ем ишлаб чиқариш қувватига эга омукта ем цехи мавжуд.

### 1.6. Корхонанинг 3-йиллик иқтисодий кўрсаткичлари

Жамият 2017-2019 йилларда тасдиқланган бизнес режа асосида фаолият юритган булиб куйидагича молиявий курсаткичларга эришилган :

2017 йил якуни буйича ишлаб чиқариш ва махсулот сотишдан тушган маблаг 47 054,2 миллион сумни ташкил этди. Ушбу махсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар яни таннарх 40 022,3 миллион сум, ялпи даромад 7 031,9 миллион сумни ташкил қилган . Ушбу олинган даромад ҳисобидан махсулот сотиш харажатлари 4 781,3 миллион сум, Маъмурий харажатлари 258,5 миллион сум ва бошқа операцион харажатлар 4 967,2 миллион сумни ташкил этган. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 315,2 миллион сумлик даромад келган. 2017 йил асосий фаолият зарари 2 660,6 миллион сумни ташкил этди, Деведент шаклидаги ва валюта курси фарқидан даромадлар 1704,0 миллион сумлик даромад келган. Молиявий фаолият буйича харажатлар 590,5 миллион сумни ташкил этган. Даромад солги ва фойдадан бошқа солиқлар –йигимлар учун 258,5 миллион сум ҳисоблангандан кийин ҳосил булган зарар 1 966,7 миллион сумни ташкил этган. Ташкилот норентабиллилик билан 2017 йил якунланган.

**2018** йил якуни буйича ишлаб чиқариш ва махсулот сотишдан тушган маблаг 47167,6 миллион сумни ташкил этди. Ушбу махсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар яни таннарх 37029,5 миллион сум, ялпи даромад 10138,2 миллион сумни ташкил қилган . Ушбу олинган даромад ҳисобидан махсулот сотиш харажатлари 595,5 миллион сум, Маъмурий харажатлари 362,3 миллион сум ва бошқа операцион харажатлар 8917,1 миллион сумни ташкил этган. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 2,8 миллион сумлик даромад келган. 2018 йил молиявий фаолият фойдаси 64,2 миллион сумни ташкил этди, Ушбу олинган фойдадан даромад солги ва фойдадан бошқа солиқлар –йигимлар учун 20,3 миллион сум ҳисоблангандан кийин қолган соф фойда 43,9 миллион сумни ташкил этган булиб. Ташкилотнинг рентабиллик даражаси 0,12 % ни ташкил этган.

2019 йил 3-чорак якуни буйича ишлаб чиқариш ва махсулот сотишдан тушган маблаг 33760,3 миллион сумни ташкил этди. Ушбу махсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар яни таннарх 31100,4 миллион сум, ялпи даромад 2659,9 миллион сумни ташкил қилган . Ушбу олинган даромад ҳисобидан махсулот сотиш харажатлари 359,8 миллион сум, Маъмурий харажатлари 278,6 миллион сум ва бошқа операцион харажатлар 2029,4 миллион сумни

ташкил этган. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 105,4 миллион сумлик даромад келган. 2018 йил асосий фаолият фойдаси 93,3 миллион сумни ташкил этди, Ушбу олинган фойдадан даромад солги ва фойдадан бошқа солиқлар –йигимлар учун 31,2 миллион сум хисоблангандан кийин колган соф фойда 57,2 миллион сумни ташкил этган булиб. Ташкилотнинг рентабиллик даражаси 0,2 % ни ташкил этган.

### **1.7 КОРХОНАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КУРСАТИШ ИҚТИСОСИ**

Жамиятни тасдиқланган низомининг 3 моддасида кўрсатилган фаолият турларидан:

- ун маҳсулотлари, халқ исътемомол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш, турли корхона, ташкилот ва фуқароларга турли хизматлар курсатиш;

-қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларидида етиштирилган дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш;

-ғалла екинлар донини тайёрлаш ва экиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларига етказиб бериш;

-ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва корхона, ташкилот ва аҳолига етказиш;

-омухта ем ишлаб чиқариш;

-биолобараториялар ташкил этиш ва биомаҳсулотлар етиштириб сотиш

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва сотиш;

-чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда ўстириш ва сотиш;

-ишлаб чиқарувчи ва исътемомолчилар билан бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат воситачилик хизматларни амалга ошириш;

-Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

-Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланади.

Жамиятнинг ишлаб чиқаришига таълуқли қўйидаги дон сақлаш:



Жамият асосан тайёрлов ташкилоти булганлиги сабабли:-1977 йилда 113 минг тонна галла саклаш сизими мавжуд булган элеватори ишга тушган.

Жамият 15 000 тонна галла ёки тайёр маҳсулот ҳамда моддий бойликлар саклаш сизимига эга 5 дона омборхонага эга.

Жамиятда нон ишлаб чиқариш Зарофшон иссик нонлари МЧЖ мавжуд.

Тегирмон суткасига 120 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга.

Жамиятда биолобаратория МЧЖ ташкил этилган

Ёрдамчи цех, таҳлилхона, темир йул ва автотранспорт тарозилари мавжуд.

Омухта ем ишлаб чиқариш цех, суткасига 50 тонна ишлаб чиқаради.

Нон ишлаб чиқариш цех, суткасига 1900 кг нон ишлаб чиқаради.

Ер ости сув чиқарувчи башни мавжуд.

**Жамиятда ишлатиладиган асбоб ускуналар куйидагилардан иборат:**

№	Номлари	Улчов бирлиги	сони	Маълумоти, Квт
1	Гуар Автоагдаргич	Дона	1	8,8
2	КШП-5	Дона	2	10,3
3	Кучма узатувчи транспортёр ленталар	Дона	4	16
4	Шнек	Дона	2	8
5	Нория НЦГ-175	Дона	8	330
6	Сеператор БИС-100	Дона	2	18
7	Тепловоз ТГК-2	Дона	1	
8	Тегирмон ускуна жихозлари	Дона	50	430
+9	Омухта ем цехи	Тн/сут	30	330
10	Хлебопекарник WACHTEL	Дона	1	18,8
11	КШП-6	Дона	6	9.95

## 1.8 АСОСИЙ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН

Туман хужаликлари ва Дон корхоналаридан автотранспорт (вагон)лар билан дон келтирилади. Биринчи навбатда хужаликдан келтирилган дон хужаликнинг ишончли вакили томонидан юк хати оркали дон келтирилиб тахлилхона тахлилчиларига мурожаат килади. Корхона тахлилхона мудирини ёки тахлилчилар томонидан келтирилган дон қайси хужалик ёки фермер хужалигидан келтирилганлиги, қайси нав эканлигини аниқлаш учун автомашинадан (агар хужалик 1-кун 1 маратоба дон келтирган бўлса намуна 2 кг дан кам бўлмаган миқдорда) намуна олинади. Олинган намуна оркали олиб келтирилган дон бугдой ёки арпа эканлиги аниқланиб хужжат билан танишилади. Кейин ушбу дон қайси синфга мансублиги аниқланиб, қайси урага ёки силосга тушушини хужалик юк хати орқасига курсатиб ёзиб беради ва уз имзоси билан тасдиқлайди. Кейин ушбу юк хати оркали хужалик ва фермер хужалик олиб келган донни корхонани кириш дарвозасига йуналтирилади. Сокчилар томонидан махсулотни бор йуқлигини текшириб куриб уз махсус китобларига руйхатга олади ва машинани автотранспорт торозиси томон йуналтиради. Корхона моддий жавобгар шахс томонидан ушбу юк автотраспорти тарозиси оркали тортиб яъни умумий хажми тортиб уз китобига руйхатга олиб юк хатига умумий хажми ёзиб куяди. Кейин автомашина тахлилхона томонидан курсатилган ура ёки силосга тукилади ёки мавжуд бўлган гуварга тукилиб узатиш ускуналари оркали элеватор силосларига йуналтирилади. Юк тукилгандан кейин буш автомашина қайта автомобиль тарозисига келади. Моддий жавобгар шахс томонидан буш автомашина тараси улчаниб уз вазни аниқланиб уз китобига қайд қилинади ва юкни топширувчи ишончли вакил томонидан торози дафтарига уз имзоси билан ҳақиқатда юкни топширгани ҳақида имзоси билан тасдиқлайди. Кейин буш автомашина корхона чиким дарвозасига келиб сокчилар томонидан юк бор ёки йуқлиги текшириб курилиб, фактурага қайд қилинган юк вазни сокчилар китобига руйхатга олинади ва автомашинани дарвозадан чиқариб юборилади ва юк хатига қайси вақтда чиқарилгалиги ҳақида ёзиб уз имзоси билан тасдиқлайди.

ГУАРга тукилган дон электр дон мосламалари оркали тугридан тугри элеватор силосларига жойлаштирилади. Жойлаштирилган донлар тахлилхона тахлилчилари томонидан ДКТЭ-4 галла хароратини улчайдиган улчагич мосламалари оркали хар 5-15 кунда галла харорати текшириб турилади. Агар галла намлигида узгариш бўлса тахлилхона мудирини томонидан элеватор булим бошлигига галлани 1 силосдан 2 чи силосга утказиб шомаллатиш ҳақида фармойиш беради.

Шомаллатиш жараёнида галла БИС-100 сеператорда эланиши натижада галладан ярокли ва яроксиз бугдой чиқиндилари ажратиб олиниб галла сифат курсатгичлари яхшиланади.

Галлани сифат курсатгичларини яхшилашда элеваторда мавжуд бўлган нориялар, асперациялар тулик хажмда иш бажаради.

Галла темир йул оркали бошка ташкилотларга ортилганда корхонада мавжуд булган тепловоз оркали вагонларни темир йул йуналиши буйича темир йул тарозисига етказиб берилади ва юк тортилган вагон асосий темир йул йулагига тугрилаб куйилади.

## **1.9 МАРКЕТИНГ**

«Жума Элеватори» АЖ тайёрлов ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланганлиги сабабли қабул қилинган дон ва ун, гуруч, омухта ем, нон маҳсулотларини «Ўзбексавдо», «Ўзбекматбуотсавдо» «Ўзпарранда», «Ўзгуштсаноат» корхоналарига биржа ва юкори ташкилотлар нарядига асосан сотади. Бугдой ва арпа дон маҳсулотлари асосан Республика дон маҳсулотлари корхоналарига катъий таксимот асосида, бундан ташқари «Ўздонмаҳсулот» АҚ нинг рухсатига асосан хорижий давлатларга экспорт қилиш йуллари билан сотилади.

Сотиладиган бугдой, арпа, ун, гуруч маҳсулотлари давлат томонидан белгиланган нархларга курсатилган фоизларни қуйиб сотилади. Жамиятда ишлаб чиқариладиган ун биржа оркали сотувга қуйилади, бундан ташқари давал хом ашёси қабул қилиниб ун ишлаб чиқарилади.

2020 йилда Пастдаргом тумани фермер хужаликлардан 50000 тонна галла қабул қилинади.

## **II БУЛИМ**

### **2.1 «ЖУМА ЭЛЕВАТОРИ» НИНГ 2020 ЙИЛДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

Туман хужаликлари билан тузилган шартномалар асосида донни сифатли қабул қилиш ва сифатли саклаш.

Вилоят дон маҳсулотлари корхоналарида очик сигимлардаги галлаларни элеваторга қабул қилиш.

2020 йил галла хосили етиштириш учун, туман фермер хужаликларини уруглик билан вилоят дон корхоналаридан келтириб таъминлаш.

Давлат захирасидаги ва сугурта фондидаги галлани сифат курсатқичларини сифатли қилиб давлат стандартларига мос келадиган тарзда саклаш.

Вилоят ун ишлаб чиқарадиган Дон корхоналари «Ўздонмаҳсулот» АҚ нинг таксимоти асосида галаларни уз вақтида жунатиш.

Жамиятнинг ун ишлаб чиқарадиган тегирмонини тулик қувват билан ишлашни таъминлаш натижасида купрок ун ишлаб чиқариш жамиятнинг молиявий фаолиятини яхшилаш.

Омухта ем ишлаб чиқариш цехида купрок маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё захирасини яратиш.

Жамият қошида нон ишлаб чиқариш МЧЖ лари ташкил этиш кузда тутилган.

### **2.2 КОРХОНАНИНГ 2020 ЙИЛ ДАВОМИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ХИСОБИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАРИ**

«Жума Элеватори» акционерлик жамияти асосий даромадлари галлани саклаганлиги ва саклаган галлага 15% устама нарх куйишдан, Парранда, Баликчилик сперт ишлаб чикариш корхоналарига ва чорвачилик корхоналарига биржа савдолари асосида дон сотишни ташкил этиш, Ун ишлаб чикариш ва сотиш хисобидан фойда олишдан иборатдир.

Дон махсулотлари сотиш буйича.

Жамиятда 2020 йилда вилоят ва вилоятдан ташкаридаги турдош корхоналарга давлат ресурсидаги галладан 20 000,0 тонна бугдой сотилганда олинадиган даромад суммасини аниклаш;

Бир тонна 3-синф бугдойнинг нархи 1300 сум булиб жами корхоналарга сотиладиган галланинг таннархи ( $20\ 000 \times 1300 = 26\ 000\ 000,0$ ) 26 000 000,0 минг сумни ташкил килади.

Корхонамиз томонидан сотиладиган дон махсулотларига 15 % устама нарх куйиб сотиш натижасида даромад олади. Агар сотиладиган 20 000 минг тонна бугдойни бир тоннасини бугдой таннархига 15% устама баҳо кушиб сотганимизда 1 тонна бугдойнинг сотиш баҳоси 15 октябр 2019 йилдаги Вазирлар маҳкамасининг қарорига асосан биржа савдоларида сотиш бошлангич баҳоси 1930 сумни ташкил килади. Сотиладиган доннинг қиймати ( $20\ 000 \times 1930 = 38\ 600\ 000,0$ ) 38 600 000,0 минг сумни ташкил килади. 20 000 минг тонна бугдойни сотганда олинадиган даромад ( $38\ 600\ 000,0 - 26\ 000\ 000,0 = 12\ 600\ 000,0$ ) 12 600 000,0 минг сумни ташкил килади. Бундан ташкари ҳосилдорлик фойизи, жамгарма фойизи, куришти тозалаш харажатлари ва бошқа харажатлар утган йилганисбатан хисобланганда 7 500 000,0 минг сум. Жами бугдой реализациясидан 11 100 000 минг сум даромад қилиш режалаштирилмоқда.

### Ун ишлаб чикариш буйича

Жамиятда мавжуд булган суткасига 120 тонна бугдойдан ун ишлаб чикарадиган тегирмон ишлаб чикариш қуввати буйича тулик ишласа, 2020 йил давомида 30 000 тонна галла ун ишлаб чикаришга сарф булади. Натижада 22 500 тонна ун ишлаб чикарилади. 30 000 тонна галлани ишлаб чикариш хисобидан олинадиган ун махсулотлари сотишдан тушум куйидагилардан иборат. Қолипчи нон ишлаб чикаришга 2200 сумдан ва Аҳолига дуконлар орқали сотиш 2150 сумдан сотилганда уртача 2175 сумдан ташкил этади.

Микдор	улгуржи нарх	Сумма (минг сум)
Ун 1 нав	75 %	22 500 тонна x 2175 = 48 937 500,0
Кепак	22,7 %	6 810 тонна
Чиқинди	2,3 %	690 тонна
Жами галланинг тозаланишдан		
Яроксиз бугдой чиқиндиси 2%		1000 тонна
Омухта ем чикариш		8500 тонна x 1300 = 11 050 000,0

Жами:-

59 987 500,0 минг сум

Бир йилда 350 иш куни, бир ойда эса 25 иш куни. Тегирмон 2020 йил тулик кувват билан ишлаганда суткасига 120 тонна бугдой дан 90,0 тонна ун махсулоти олинади.

Суткасига 120 тонна х 25 иш куни = 3000 тонна бугдойдан бир ойда 90 тонна х 25 иш куни =2250 тонна ун ишлаб чикарилади.

Бир ойда 3000 тонна х 12 = 30 000 тонна бугдойдан 2020 йилда 22 500 тонна ун ишлаб чикарилади.

Ушбу тегирмонга ун ишлаб чикаришга берилган 30 000,0 тонна бугдойни ишлаб чикариш учун 22 500 тонна унга боглик булган харажатлар таннархи (минг сумда)

А) Бугдойни сотиб олиш бахоси 30 000*1300	39 000 000,0
Б) Иш хаки	555925.6
В) Иш хакидан ажратмалар	138981.4
Г) Электр энергия харажатлари	286132.5
Д) Халта харажатлари 22500:50х2800	1260000
Е) Ип харажатлари	22000,0
Ж) Ветамен кушимчаси	247207.5
Ж) Иш хаки кушимча ва мукофотлар	188137
З) Тегирмон эскириш киймати	99695,0
И) Мол мулк солиги	640000,0
Й) Транспорт харажати	71865,0
К) Солик туловлар	65538.0
Л) Бошка харажатлар	135684,0
Жами харажатлар ККС сиз:-	42 211 166
Кушимча киймат солиги	6 331 674
Умумий ишлаб чикариш таннархи	48542840 минг сум

2020 йилда ун махсулотлари сотишдан (59 987 500,0 - 48542840=11444660.0) 11444660.0 минг сум ялпи фойда олинади.

Жамиятнинг бошка жараёнлардан даромадлари

- Жамиятимизда мавжуд булган Кишлок курилиш банкнинг 278435 дона киймати 100 сумлик 33787,0 минг сумлик акциясини 2020 йил якуни буйича **12 960,0** минг сум фойда олинади.

- Туман хужаликларидан кабул килинадиган галлани куритиш ва тозалаш учун ушлаб қолинадиган туловлар хисобидан 1200200,0 минг сум ялпи фойда олинади.

- Жамиятда нон ишлаб чикариш цехи 2020 йилда 500 000,0 минг сум фойда олиш кузда тутилган.

Жами даромадлар (11100 000 +11444660.0 + 1200200+500 000+ 12 960) = 23 757 820.0 сумни ташкил килади.

## 2.3 ЖАМИЯТНИ 2020 ЙИЛ ДАВОМИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИ

"Жума элеватори" акциядорлик жамияти

### ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ

№	Жамият булинмалари	Ходимлар сони	Ойлик иш хаки фонди
1	Рахбарият	4	8331575
2	Мутахасислар	13,5	18549632
3	Тех ходимлар	4,5	6497669
4	Тегирмон цехи	26	28248763
5	Элеватор булими	33	34519912
6	Тахлилхона булими	8	9074783
7	Транспорт булими	10	11247481
8	Механизация цехи	9	10023032
9	Электр цехи	6	6473554
10	Бошқалар	19	19537942
11	Омухта ем ишлаб чикариш цехи	6	6473554
12	Куриклаш булими	12	11271991
13	Кишлок хужалиги булими	2	2928820
<b>Жами:</b>		<b>153</b>	<b>178170193</b>

Жамиятда 2018 йилда уртача 154 нафар ходим 6 биолобаротория ходими фаолият кўрсатган бўлиб, уларга 2155223,0 минг сўм ойлик иш ҳақлари туланган.

2020 йилда Элеватор булим лефтини капитал тамирлаш,Цепораторлрни янгилаш, нория ваторозиларни янгилаш, вагон ортиш лениясини янгилаш режалаштирилди.

2020 йил корхона омихта ем ишлаб чикариш цехи реконструкция килиш оркали гранула омихта еми ишлаб чикариш ва ишлаб чикариш кувваини 3 маротобага ошириш режалаштирилди.

2020 йилда янги нон цехини ишга тушириш, макарон ишлаб чикариш буйича жамият қошида МЧЖ ташкил этиш режалаштирилди. Ушбу

жаражатларга 5500000 сум режалаштирилди. Тегирон курилишига олинган крдет суммасини 60% ни коплаш максадида 8000000,0 минг сум режалаштирилди

Жамиятни 2020 йил давомида ишлаб чиқариш талабларини кондиритиш учун сотиб олинган товар моддий бойликлар

№	Бажариладиган ишлар	Улчов бирлиги	Сони	Киймати (минг сум)
1)	Погрузчик	Дона	1	600 000,0
2)	Автосамасваль	Дона	1	150 000,0
	Жами:			750 000,0

**Корхонанинг 2020 йил хисобот йилида қилинадиган давр харажатлар СМЕТАСИ**

№	Харажат турлари	Суммаси (минг сум)
1	Иш хаки	1253637.4
2	Иш хаки фондидан ажратмалар	313409.3
3	Сафар харажатлари	25 000,0
4	Сугурта туловлари	7 000,0
5	Ишчиларни малака ошириш харажатлари	10000,0
6	Аудит хизмати учун	7 000,0
7	Дезинфекция хизмати (маъмурий бино)	25 125,0
8	Алоқа хизмати	10 000,0
9	Табиий газ хизмати	35382,0
10	Газета, эълонлар, обуналар	36 000,0
11	Тахлилхона жихозларини шаходатлаш	50 000,0
12	Электр асбоб ускуналарини куриқдан утказиш	10 000,0
13	Корхона 6 та омборини химиявий ишлов бериш	35 000,0
14	Мавсумда ёнгин хавфсизлиги жихозларини таъмирлаш	20000,0
15	Корхона асфалт майдонларини таъмирлаш	100 000,0
16	Ичимлик сувини тахлилдан утказиш	8 100,0

17	Куриклаш булими хизмати	185 000,0
18	Ишчи хизматчилар ходимларини фарзандларни дам олиш оромгохига юбориш	30 000,0
19	Компьютер ва принтерларни таъмирлаш	10000,0
20	Асосий воситаларни эскириш киймати	360 220,0
21	Галла мавсумида плакатлар ва ёзувларни таъмирлаш	15 000,0
22	Автотранспортларни таъмирлаш	41 000,0
23	Ёкилги мойлаш материаллари	25 000,0
24	Моддий ёрдам	45 000,0
25	Мавсумда ишчи хизматчиларни бепул иссик овкат билан таъминлаш.	40500,0
26	Байрам дастурхони ва совгалар учун	12 000,0
27	Ёзув когозлари ва бланкалар	18 000,0
28	Шартнома бланкалари	56 000,0
29	Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни хисобдан чиқариш	111 000,0
30	Банк хизмати учун	70000,0
31	Электро энергия хизмати	277176,7
32	Сертификатлаш хизмати	18 075,0
33	Экспертиза хизмати	6 035,0
34	Госинспекция карантин хизмати	8 460,0
35	Божхона хизмати	10 000,0
36	Хумо пломба харажатлари	20000,0
37	Брокерлик ва биржа хизмати	200000,0
38	Газация хизмати	125 000,0
39	Автопагрузчик хизмати	198 015,0
40	Бошка харажатлар	150 135,0
41	Жами солик туловлари	401606,0
42	Ер солиги	73528,0
43	Сув солиги	8615,0
44	Мол мулк солиги	174 078,0
45	Бошка соликлар ва солик фоизлари	50000,0
	Жами:	3513118.4



Жамиятда 2020 йил давомида жами 3513118.4 минг сўм давр харажат қилиш режалаштирилган. Даромад солиги олингунча фойда (23 757 820.0 - 3513118.4 -750 000-5500000-8000000)=5994701,6 минг сум. Фойда солиги 899205,2 минг сум булиб жами режалаштирилаётган фойда 5095496,4 минг сумни ташкил қилади.

Жамиятда 2020 йилда самарадорлик даражаси куйидагича аникланади.

Самарадорлик даражаси	5095496,4	
Ялпи оборотга нисбатан	98587500	X 100= 5,17%

Самарадорлик даражаси	5095496,4	
Махсулот таннархига нисбатан	74542840	X 100 = 6,83%

Жамиятда 2020 йилда тулик фойда олиш имконияти мавжуд.

Жамият 2020 йил хисобот йил якуни буйича олинадиган соф фойда 5095496,4 минг сум фойда олиш режалаштирилди.

«Жума Элеватори» АЖ  
бошқарув раиси:- в.в.б  
Молия ва савдо буйича  
Директор:-

Ш.Пулатов

К.Сидиков

Ишлаб чиқаришдиректори:-

М.Ачилов

Бош хисобчи :-

Р.Олмасов

Бош иқтисодчи:-

Б. Буранов

Кадрлар булим бошлиг:-

Л. Боймуратов